



ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРГА ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИШЛАРИДА КАТТА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

6 март куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фавкулда ва мухтор элчилар — Миср Араб Республикасидан Тамер Фатхи, Италия Республикасидан Пергабриел Пападна де Боттини, Қирғиз Республикасидан Дуйшонкул Чотонов, Беларусь Республикасидан Александр Огородников, Грузиядан Давид Котария ва Туркия Республикасидан Уфук Улуташнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини янги Ўзбекистондаги шарафли миссияси бошлангани билан самимий табриқлади.

Дунёда зиддиятлар кескинлашиб, геосиёсий рақобат кучайиб бораётган ҳозирги даврда дўст давлатларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳар қачонгидан ҳам муҳим экани таъкидланди.

Бундай шароитда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати билан ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустаҳкамлаб, дунёнинг барча минтақаларидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар ва глобал молиявий институтлар билан амалий шерикликни ривожлантирмоқда.

Президентимиз умумий сиёсий ирода туфайли Марказий Осиё яхши кўшничлик, ишонч ва интеграция минтақасига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Мустаҳкамлаб, урчувларида раислик қилмоқда ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган тарихий саммитга тайёргарлик кўрмоқда.

Бўлаётган жадал ўзгаришлар туфайли минтақамизга қизиқиш тобора ортиб, “Марказий Осиё плюс” мулоқот майдони кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Жорий йил апрель ойида мамлакатимизда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити, май ойида эса “Марказий Осиё — Қўрғаз араб мамлакатлари” форматидagi иккинчи учрашув бўлиб ўтади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида 11 та резолюция қабул қилингани алоҳида қайд этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда Парламентларо иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси ва ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилиши, 2027 йилда Ўзбекистон Қўшма СМлик ҳаракатига раислик қилиши ҳам давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Ўтган йили жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 35 миллиард долларни ташкил этиб, экспорт 27 миллиард доллардан ошган. Янги инновацион форматда ўтказилган Тошкент инвестиция форумига тайёргарлик кўрилмоқда.

— Ислохотларимиздан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш, “келажак иқтисодиёти” ва илғор инфратузилмани барпо этиш, жозибador инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлашдан иборат. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида белгилаб олган улкан мақсад ва режаларимизни амалга ошириш учун бизда етарли салоҳият ва имкониятлар, энг муҳими, кучли интилиш ва сиёсий ирода бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлагани учун дипломатик миссиялар раҳбарлари вакиллик қилаётган мамлакатларга миннатдорлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Миср Араб Республикаси элчисига мурожаат қилар экан, ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

Сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ўтган йили Ҳукуматларо комиссия йиғилиши, 3 та йирик бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди. Икки мамлакат етакчи компанияларининг кооперацияси кенгаймоқда.

Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг мамлакатимизга ташрифи икки томонлама муносабатларда янги даврни бошлашда муҳим воқеа бўлиши таъкидланди.

Мисрнинг етакчи ташкилотлари ва компаниялари иштирокида энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, геология, туризм, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигасининг яқинда ўтган саммитида Миср Президенти томонидан илгари сурилган Ҳазонти тиклаш режасини қабул қилиш ташаббусини юқори баҳолади.

Ўзбекистон етакчиси Италия улкан сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга муҳим стратегик шерик эканини таъкидлади.

Бугунги кунда Италия компаниялари билан “яшил” энергетика, кимё, машинасозлик, енгил sanoat, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим ва туризм соҳаларида йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ташқи ишлар вазири раҳбарининг “Италия — Марказий Осиё” форматидagi мулоқот

тавдам этмоқда. Турин политехника ва Пиза университетларининг Тошкент шаҳридаги филиали самарали фаолият юритмоқда.

Ўтган йили биринчи марта етакчи олий таълим муассасалари форуми ўтказилди. Яқинда Рим ва Виарежия шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Яқин кунларда Ҳукуматларо ишчи гуруҳ йиғилиши ва бизнес форуми, Ломбардия губернаторининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Худудлар кенгаши бўлиб ўтади. Бундан ташқари, қўшма инвестиция фонднинг ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Италия Бош вазири раҳбарининг мамлакатимизга жавоб ташрифини ташкил этиш асосий вази-фа этиб белгиланди.

Қирғизистон Ўзбекистоннинг яқин кўш-нис ва стратегик шеригидир.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар орди, қўшма корхоналар сони 300 тага етди. Худудларда автомобиль заводи, тўқимачилик фабрикалари, тиббиёт марказлари, агрокластерлар ишга тушди.

Ўтган йил декабрь ойида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бошлангани муҳим тарихий воқеа бўлди.

Шу ойда Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон етакчилари иштирокида уч томонлама саммит бўлиб ўтади.

Ҳукуматларо ва парламентларо комиссиялар, Худудларо форум ва Ишбилармонлар кенгаши фаолияти натижадорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ўтган йил февраль ойида Беларусь Президенти Александр Лукашкенонинг мамлакатимизга расмий ташрифи кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қўшимча суръат бағишлади.

Товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда, қўшма корхоналар сони 240 тага етди. Яқин кунларда сиёсий маслаҳатлашувлар, Ҳукуматларо комиссия йиғилиши ва ишбилармонлик тадбирлари бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил sanoat, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида кооперацияни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Худудларо, тиббиёт ва таълим форумларини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Грузия Жанубий Кавказдаги ишончли ҳамкоримиз эканини таъкидлади.

Ўтган йили товар айирбошлаш 50 фоизга ошди. Юк ташиш ҳажми ортмоқда, банк соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ҳукуматларо ва парламентларо даражасидаги алоқалар фаоллашди, маданий ва туризм алмашинувлари кенгаймоқда.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе-нинг кунчи кеча Ўзбекистонга амалга оширилган расмий ташрифи якунилари икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқич бўлишига ишонч билдирилди.

Товар айирбошлашнинг янада ошириш, логистика ва транспорт, туризм, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларида кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда худудлар бизнес форуми, миллий маҳсулотлар ярмаркаси, маданият

кунларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия элчисига мурожаат қилар экан, фаол сиёсий мулоқот туфайли икки томонлама муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йили товар айирбошлаш 3 миллиард долларга, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2 миллиард долларга, қўшма корхоналар сони 2 мингтага етди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Тошкентда Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилмоқда.

Янги истиқболли йўналишлар ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилда Ўзбекистонда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларга шарафли ва масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади, шерикликни мустаҳкамлаш учун мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланишга қақирди, худудлар ва хусусий бизнес вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, дипломатлар самимий қабул ва самарали фаолияти учун yaratilgan шароитларга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни фаол илгари суриш йўлида ўзларининг бутун профессионал тажрибаси ва билимидан фойдаланишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ: ОРЗУЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

Буюк ўзбек йўли

Кунчи кеча давлатимиз раҳбарининг “8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, юқори касбий малакаси ва маҳорати билан янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган бир гуруҳ опа-сингилларимиз мамлакатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди.

Тўғриси, ушбу рўйхатда илм-фан, таълим, тиббиёт, техника, иқтисодиёт, хавфсизлик каби турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан бир қаторда кўча ва хиебонларимизни, маҳаллаларимизни озода сақлаётган захматкаш, оддий аёллар

ҳам борлигини кўриб, чин дилдан қувондим. Қувонмай бўладими? Ахир мамлакатимизда хотин-қизлар жамиятдаги мавқеи, ёши, миллати, динидан қатъи назар, давлатимиз эътибори ва ардоғида.

▶ Давоми 3-бетда



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни ЁРУҒ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ, ҲАЁТИМИЗ ОЙ ВА ҚУЁШИДИР!

Мамлакат тараққиёти, жамият бирдамлиги оналар, умуман, хотин-қизларнинг қанчалик кадр топаётгани билан ўлчанади. Чунки ўзлигини таниган одам, аввало, онаси, она-сингиллари оғирини енгил қилиш ҳақида ўйлайди.

Бугун Ўзбекистонда аёлларни қадрлаш, уларга барча шарт-шароитни яратиб беришга қаратилган ислохотлар замирида ана шундай ҳаётий ҳақиқат бор. Кейинги йилларда хотин-қизлар таълими, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида жуда катта ислохотлар қилинди. Улар таълим олса, бутун халқ билан бўлади, деган ҳаётбахш ғоя атрофида жуда катта ўзгаришларга йўл очилмоқда. Бунинг натижаси ҳам жуда тез кўзга ташлана бошлади. Аёллар ўз ўрнини топиб, ҳатто раҳбарлик лавозимларида ҳам бошқалардан қолшимаслигини исботламоқда. Спорт,

таълим, тадбиркорлик каби ўнлаб соҳаларда етакчи аёллар синфи пайдо бўлди. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг қиёфаси, Учинчи Ренессанс пойдеворидир. Зеро, улар ёруғ келажак кафолати, ҳаётимизнинг ой ва қуёшидир!

▶ 2-бетга қаранг.



Коррупция — жамият танасидаги саратон

Коррупция ҳар қандай замон ва маконда юрт таракқиёти, одамлар фаровонлигига ғов бўлиб келган. Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишидаги нутқи барчамизни бу иллатга қарши курашда бирдамликка чақирди, десак муболага бўлмайди. Чунки коррупцияга қарши кураш ҳар бир соф виждонли инсоннинг муқаддас бурчидир. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашиш бўйича тегишли қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Қатор ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди.

НУРОНИЙЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БЎЛАДИ

Рустам КАЛОНОВ,
“Нуроний” жамғармасининг
Тошкент шаҳри бўлими
раиси, сенатор:



— Давлатимиз раҳбари жамоатчиликка муносабат қилиб, коррупцияга қарши кураш умумийлиги вазирига, ҳар бир ватанпарвар юрtdошимизнинг виждон иши эканини таъкидлади.

Президентимиз жуда тўғри қайд этди. Коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараш керак. Энг асосийси, бутун жамоатчилик бирлашиб курашиши зарур. Зеро, бу халқимиз, фарзандларимизнинг эртанги куни, фаровон ҳаёти учун кураш масаласидир.

Президентимиз жуда тўғри қайд этди. Коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараш керак. Энг асосийси, бутун жамоатчилик бирлашиб курашиши зарур. Зеро, бу халқимиз, фарзандларимизнинг эртанги куни, фаровон ҳаёти учун кураш масаласидир.

АНИҚ МАНЗИЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН 55 ТАШАББУС

Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази ижрочи директори:



— Мамлакатимизда турли соҳалардаги илчил ислохотлар самарасини кўраётган бўлишимиз, сезилми. Аҳоли фаровонлиги ошмоқда. Давлат кўрсаткичлари хизматлар ҳажми ва сифати ортаётди. Энг муҳими, хизмат кўрсатишда инсон омили камаймоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида Президентимиз бутун ислохотлар самарадорлигига муайян маънода тўсиқ бўлаётган, соя солаётган ғов коррупция эканини алоҳида қайд этди.

Таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашиш масаласида илк марта бундай кўламли йиғилиш ўтказилди. Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши кучли сиёсий иродини намойён этди. Аҳамиятли жиҳати, йиғилишда аниқ мақсадга йўналтирилган 55 та ташаббус илгари сурилди. Улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарор ишлаб чиқилди. Коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилди.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг янада жадал ижтимоий-иқтисодий

юксалиши, инсон манфаатларини ҳамма нарсдан устун қўйиш тамойилининг ҳаётга таъбиқ этилишига хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, йирик лойиҳаларни коррупцияга қарши юқори даражадаги стандартлардан келиб чиқиб баҳолаш лозимлиги таъкидланди. Мутасаддиларга бундай инвестиция лойиҳаларида халқаро коррупцияга қарши стандартларни жорий этиш, йирик аукцион шартларини рақобатдошлик экспертизасидан ўтказишни йўлга қўйиш топширилди.

Бу борада хорижий инвесторлар мисол қилиб келтирилгани бежиз эмас. Чунки “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида хорижий инвестицияни жалб этиш кўламини кенгайтириш борасида алоҳида мақсадлар белгиланган. Қачон хорижий инвестор кўпади? Қачонки улар мамлакатда қонунлар ишлаётгани, давлат органлари ўзининг ишини виждонан бажараётгани, жамиятнинг коррупциядан холи эканига ишонса.

Президентимиз таъбири билан айтганда, жиноятчилик маҳкам живоланган, хавфсиз жойга инвестор кўпроқ маблағ киритди, одамларимизнинг ишончи янада ортади.

ДАБДАБА ВА ҲАШАМГА БЕРИЛГАНЛАРНИ ТАРТИБГА ЧАҚИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Серикбай УСЕНОВ,
Қозоқ миллий маданият
маркази раиси:



— Аввало, коррупцияга қарши курашишда ҳар бир фуқаро фаол бўлиши керак. Бунда, энг асосийси, ёш авлоднинг ушбу иллатга нисбатан фуқаролик позициясини шакллантириш зарур.

Коррупция жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигини келтириб чиқаради. Бу эса барча соҳадаги ислохотлар натижасига салбий таъсир этади. Қолаверса, айрим фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти етарли эмаслиги, ҳақ-ҳуққини ҳимоя қила олмаслиги жамиятда адолат мезони бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу йўналишдаги тарихий йиғилишдан зарур хулосалар чиқардик. Президентимиз таъкидлаганидек, бутун биз коррупция билан эмас, унинг оқибатлари билан курашиб юрибмиз. Аслида, унинг олдини олиш билан шуғулланишимиз керак.

Келажакка асосий таҳдидлардан бири, бу — коррупция. Давлатимиз раҳбари йиғилишда жамиятдаги коррупциянинг илдизи дабдаба ва ҳашамда эканини айтди. Албатта, бунинг олдини олиш учун энди жиддий ишлаш, зарур тарғиб-бот-ташвиқот тадбирларини олиб бориш, керак бўлса, бундай фуқароларнинг масаласини маҳалла-қўй иштирокида кўриб чиқиш, тартибга чақириб пайти келди деб ўйлаймиз.

Маҳаллаларда, миллий марказларимизда тизимли равишда жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталикларини ўтказиб келишимиз. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни қадрлаш, кечаги кун билан бутунг куннинг фарқини яхши тушуниш, маҳаллада, тўй-маррада ортқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳалоллик ва шукроналик билан ҳаёт кечиришни тушунириш бўйича “йўл харитаси” тузиб олдик. Бу борада жамиятимизда тўпланган яхши тажрибаларни кенг тарғиб қиламиз.



март – Халқаро хотин-қизлар куни

ЮРТИМИЗ АЁЛЛАРИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!



Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Ялла” ансамбли раҳбари:

— Айтишга осон, лекин ижодий фаолиятим бошланганига ҳам 60 йил бўляпти. Бу вақтда “Ялла” ансамбли билан дунёнинг ҳамма ҳудудида бўлдим. Биз борманган давлатларини санагангиз, бармоғингиз ортиб қолади. Бу гапни мактанаш учун айтмапман. Демакчи бўлганим шунки, ҳеч бир жойда ўзбекистонлик аёлларга етадигани йўқ. Қайси миллат вакиласи бўлишдан қатъи назар, энг фарштали, самимий, садоқатли ва гўзал аёлларга бой мамлакат — Ўзбекистон!

Аёллар азалдан Шарқда алоҳида эъзозланган, қадрланган. Шоирлар улар таърифида ашъорлар битган, шоҳлар эса аёл шаъни ҳимояси учун ўзаро жангга кирган. Уларга атаб обидалар бунёд этилган, ҳофизлар мадҳ этиб, қўшиқ куйлаган, куй яратган. Каминанинг ижодида ҳам она, аёл, муҳаббат ва садоқат мавзулари салмоқли ўрин тутди. Қўшиқларимиз орқали ўз хурматимизни изҳор қилишдан ҳеч қачон чарчамаганмиз.

Аёл деганда ҳар биримизнинг кўз олдимизда, энг аввало, оналаримиз намоён бўлади. Она — ҳаётдаги ҳақиқий

Аёллари қадрланган халқнинг эртанги кундан кўнгли тўқ. Бугун хотин-қизларга ҳурматни ҳар жабҳада кўряпмиз. Юқорида айтганимдек, ўзбек аёллари дунёда тенгсиз эканига қайта-қайта амин бўлганман. Шундай экан, улардаги самимият, гўзаллик, муҳаббат ва садоқатга ҳеч қачон кўз тегмасин!

йўлбошчи, инсоннинг биринчи устози ва ёрдамчиси. Унинг муҳаббати чексиз, бағрикенг ва меҳри ҳаддан ташқари мукамал. Она — фарзандининг биринчи дўсти, ёлғизликдаги ҳамроҳи ва қийинчиликда қувват манбаи. Унинг ҳимояси ва сабри ҳар қандай оғирликни енгишга ёрдам беради.

Онам Шониста Саидова мусиқали драма театрида фаолият юритган, таниқли хонанда эди. Оиламизда ажойиб муҳит ҳукм сурган. Биз — ака-ука, опа-сингиллар аҳил-иноқ бўлганмиз. “Фарзандларим, биздан кейин ҳам шу фазилатингизни сақлаб қолинг!”, дея кўп насиҳат қиларди онам. Эски шаҳарда — ҳамма бир жамоа бўлиб, мулоқот қилиб яшайдиган, шодликни ҳам, қайғунин ҳам бўлишадиган жойда улғайдим. Ҳаётда эга бўлган барча яхши жиҳатларни ота уйда олдим.

Хонадонимизда ўз даврининг илғор зиёлилари, санъатқору олимлар, давлат арбоблари кўп меҳмон бўларди. Уларни кутиб олиш, ош-нонига қараш, мезбонликни жойига қўйиш онамнинг зиммасида эди.

Вақти келса, онам эркаклар вазифасини ҳам бажарган, қаттиққўл — бадий кенгаш раҳбари каби эди. Ҳамма нарса

назоратда бўлган. Ахир олти фарзандни воға етказиш ўзи бўладиган иш эмас. У тўғрисида, дангал, рийкорлик нималигини билмайдиган, ўйлаганини одамнинг юзига айтмайдиган аёл эди.

Ўтган йили пойтахтимизда миллий эстрада санъати асосчиси Ботир Зокиров ҳайкали очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган, 30 йил оғир дард билан курашган ва шу ҳолатда ҳам куйлашдан, ҳаётни мадҳ этишдан тўхтамаган метин иродали санъатқору хотираси абадиётга муҳрлангани билан санъатсевар халқимизни таъриқлади.

Мен ўша дамда онам ҳақида ўйладим. Акам Ботир Зокиров ва онам Шониста Саидованинг руҳи шодланаётганини ҳис қилдим. Ахир пойтахтимизнинг қоқ марказида, Ботир Зокиров кўчаси юзюзи, консерватория рўпарасида акамнинг ҳайкали ўрнатилди. Консерватория ҳузурида унинг номидаги институт очилиши эса тарихий ҳодиса бўлди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ҲАР КУНИМИЗ БАЙРАМ БЎЛСИН!



Шарофат НОРИЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
тадбиркор:

— Халқаро хотин-қизлар куни мен учун энг катта байрам. Чунки шу байрам кунлари жуда кўп аёлларни таъриқлашга гўйибона иштирок этаман. Опа-сингилларимиз бизнинг меҳнатимиз самараси бўлган гулларни катта ҳаяжон ила қабул қилиб олади. Ҳар йили байрамда биз парварши этган гуллар аёлларга қувонч бағишлайди. Бойси, ўттиз йилдан бери гул етиштираман.

Асли касбим — ҳамшира. Аммо ҳозир касбим ҳам, унвоним ҳам тадбиркор. Бу бизнесга гул етиштириш орқали кириб келганман.

Кўп болали оддий деҳқон оиласи фарзандиман. Бу касб ота мерос. Гулга меҳр отамдан ўтган. Аввал гулни уйда ўзимиз учун етиштирганмиз. Қишлоқ аҳлининг даромади деҳқончилик бўлгани учун ишдан бўш вақтларим бозорда гул сотганман. Шундай қилиб, гулчилик иккинчи касбимга айланди.

Дастлаб гул етиштириш фермер хўжалиги ташкил этдим. Мамлакатимизда янги давр бошлангач, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибордан илҳомландим. “Гулчи опа томорқа хизмати” агрокластерига асос солдим. Кластер таркибиде бир қанча иссиқхоналар, биоғумус ўғит тайёрлаб бериш, эшик ромлар ясаш цехи, умумий овқатланиш ва бошқа



маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйдик. Қишлоғимиз фарзандлари учун замонавий шартларга эга 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси очдик.

Кластер таркибидеги корхона ва муассасаларимизда 100 дан зиёд дунми, қарийб 300 та мавсумий иш ўрни яратилган. Ўқув маркази ташкил этиб, нафақат вилоятимиз, республика бўйлаб ишсиз аёлларни хунарга, тадбиркорликка ўргатяпмиз. Бизда ўқиган хотин-қизларнинг кўпчилиги ҳозир тадбиркорлик қилишга қўл ушатиб, улар телефон қилиб ёки келиб раҳмат айтса, миннатдорлик билдирса, ўзимда йўқ хурсанд бўламан.

Шукр, мамлакатимиз тинч, обод, Барча ислохотлар халқимизнинг янада яхши ва бахтли яшашига қаратилган. Яратган сендан ҳаракат, мендан баракат, деган. Ушбу сўзлар тўғрисида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ким меҳнат қилса, кам бўлмайди. Ўзимдан қиёс, камтарона меҳнатим сабаб “Меҳнат шухрати” ордени, “Шухрат” медали, “Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони билан тақдирландим. Ҳозир халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши депутати бўлиб, бу эътирофларга миришқор деҳқон бўлган отамнинг ўғиллари, турмуш ўртоғимнинг қўллаб-қувватлаши, фарзандларимнинг кўмаги билан эришдим. Аёл учун бахт шу-да.

Ҳаётимни ўзгартирган гулларни севаман. Юртимизга, фаровон ҳаётимизга, байрамларимизга гуллар ярашади. Аслида, мамлакатимизнинг ҳар куни байрам, десак муболага бўлмайди. Бу кунларнинг қадрига етайлик. Умр боғимизни доимо гуллар безатиб турсин.

ЯХШИЛИГИ БЕМИННАТ, МЕҲР ДАРЁСИ ТИЛСИМ

Шаҳзод ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Келажак бунёдкори”
медали совриндори:



— Қачондир, қаердадир ўқигандим: ҳар бир муваффақиятли эркакнинг ортида буюк бир аёл туради.

Янги Ўзбекистоннинг фидойи ва эл хизматига шайланган фарзанди сифатида ўзимни бахтли ва омадли, кичик бўлса-да ютуқларга эришган деб ҳис қиламан. Бу натижалар онам Дилором Худойбердиеванинг меҳри, тарбияси, дуоси сабабидир.

Нега десангиз, болалик ва ўсмирликда республика танловларида голиб бўлдим. 18 ёшимда маҳалла раиси, 19 ёшимда Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайландим, ҳозир Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Шўрчи тумани бўлими бошлиғи вазифасида ишляяман.

2024 йил 30 июнь — Ёшлар куни арафасида давлатимиз раҳбари қўлларидан “Келажак бунёдкори” медалини қабул қилиб олдим.

Янги Ўзбекистон тараққиётига, эл-юртимизга меҳр ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнатилиб келаётган

ташаббускор ва етакчи ёшлар қаторида мен ҳам тақдирланганимдан беҳад хурсанд эдим.

Биласизми, ана шунда мендан ҳам кўпроқ хурсанд бўлган, куну тун қувониб ухловлигим баргина инсон бор эди. У — онам.

Дунё даҳоларини тарбиялаган оналар фарзандларини қандай юзага чиқарар экан деб ўйлайман. Бирор сир-асрори бормикан, деган савол ҳаёлимга келганда, унинг формуласи оддийлигини ҳам тушунаман. Оналар бизни нафақат дунёга келтиради, меҳрдан, илмдан, қаноатдан, тарбиядан, юксак орзу-умидлардан қанот ясаб улғайтириб, парвоз қилишимизга ҳам асосий сабабчидир.

Онамнинг айтишича, ақлимни таний бошлаганимданок сиёсий суҳбатларни тинглашни ёқтирарканман. Телевизор орқали сиёсий мавзудаги кўрсатувларни

томоша қилиш сеvimли машғулотим бўлган экан. Кўпчилик қўшини аёллар: “Болангиз жуда одамови, саломатлиги яхшимми, бошқа болалардай кўча чангитиб ўйнаса бўлмайди?” деб эътироз қилганида, онам унамас экан. Йиллар ўтиб, ёш бошим билан маҳаллада раис бўлдим, уйимиз эшиги олди доим аҳоли вакиллари би- сифатида ўзимни бахтли ва омадли, кичик бўлса-да ютуқларга эришган деб ҳис қиламан. Бу натижалар онам Дилором Худойбердиеванинг меҳри, тарбияси, дуоси сабабидир.

Нега десангиз, болалик ва ўсмирликда республика танловларида голиб бўлдим. 18 ёшимда маҳалла раиси, 19 ёшимда Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайландим, ҳозир Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Шўрчи тумани бўлими бошлиғи вазифасида ишляяман.

2024 йил 30 июнь — Ёшлар куни арафасида давлатимиз раҳбари қўлларидан “Келажак бунёдкори” медалини қабул қилиб олдим.

Янги Ўзбекистон тараққиётига, эл-юртимизга меҳр ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнатилиб келаётган

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Буюк ўзбек йўли

Янги ўзбекистонда гендер тенглиги: орзулар ҳақиқатга айланди



Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Ранси,
Хотин-қизларнинг жамиятдаги
ролини ошириш, гендер
тенглик ва оила масалалари
бўйича республика
комиссияси раиси

Бошланиши 1-бетда

Кўпчилик учун янгилик бўлмас ҳам, айтай. Биз кўп йиллар 8 мартни асосан, латофат ва гўзаллик байрами сифатида нишонлаб келдик. Бугунги кунда ушбу сана аёлларнинг жамиятдаги ўрнини эътироф этиш, самарали меҳнатларини улуғлаш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш айёми сифатида ҳам қадр топмоқда. Бинобарин, янги Ўзбекистонда ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазаси ва гендер тенглигини таъминлаш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласи бундан 10 йиллар олдин бўлгани каби, фақат маърузаю хужжатларда қолиб кетаётгани йўқ. Аксинча, халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартиратган, эртанги кунига умид уйғотаётган халқлик ислохотларнинг фараҳбахш эпкинини жуда кўплаб опа-сингилларимиз ўз тақдирини мисолда ҳис қилиб, сезиб турибди.

Хўш, авваллари қандай эди, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, яхши қонуналаримиз, яхши ниятларимиз бор эди. Аммо уларни ҳаётга татбиқ этиш учун хоҳиш ҳам, рағбат ҳам йўқ эди раҳбарларда. Аёлнинг жамиятдаги роли ва аҳамиятини ошириш учун кўп ишлар қилинди, лекин ҳаммаси ҳам кутилган натижага бермади. Масалан, тадбиркорлик қилмоқчи бўлган аёллар учун имкониятлар қозғоғда бору, улардан фойдаланиш осон эмас эди. Имтиёزلар, қўллаб-қувватлаш тизимларини ишга тушириш борасидаги аниқ режа ва ҳаракатлар етишмади. Натيجанда кўплаб аёлларимиз жамият ҳаётидан узилб қолди, ўз ўринларини топа олмади.

Бу муаммолар тарбия ва таълим тизимида ҳам кўзга ташланади. Қиз боладан кўра, ўғил боланинг келажак ҳақида кўпроқ қайғурилди: уни ўқитиш керак, унга шароит яратиш керак, чунки у — оиланинг боқувчиси. Қиз боллага эса “Ўқиб нима қилади, бировнинг хасми бўлса”, деган қараш кучайди. Аммо қизларимиз билимли, маълумотли бўлса, бу нафақат уларнинг, балки келгуси авлодларнинг тақдирига ҳам ижобий таъсир қилишини унутдик.

Давлатимиз раҳбари бу оғриқли муаммоларни Президент этиб сайланган илк кунлариданок бошқича-бошқич ҳал этишга киришди. Мана, орадан тўққиз йил ўтиб, янги Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида амалга оширилётган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади.

Хотин-қизлар таълим, давлат бошқаруви, тадбиркорлик ва жамиятнинг барча соҳаларида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, нафақат шахсий келажакни, балки юрт тақдирини ҳам белгилашга қодир кучга айланмоқда.

Бу ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнида ҳам ўз аксини топмоқда. Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон Гендер тенглик ва бошқарув индекси (GEGI) бўйича натижаларини 51 поғонага яхшилаб, 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди ва Марказий Осиёда етакчи давлатга айланди.

Бу ютуқлар хотин-қизларнинг IT ва STEM-лойдлардаги иштироки, рақамли кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ҳамда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасидир. Шунингдек, аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида махсус илова ва ишонч телефонлари ҳам ишга туширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, GEGI рейтингини 158 давлатни қамраб олиб, гендер тенглиги соҳасидаги ютуқлар ва камчиликларини аниқ баҳолаш имконини беради. 2024 йилда Ўзбекистон 72,8 балл тўплаб, қўшни давлатлар орасида энг юқори натижага эришди.

Ушбу рейтингда яқин қўшниларимиз — Қозоғистон — 76-, Қирғизистон — 99-, Тожикистон — 103-ўринни эгаллади.

Қолаверса, ўтган йилнинг март ойида Ўзбекистон Жаҳон банкнинг “Аёллар, бизнес ва қонун” рейтингини 100 баллдан 82,5 балл тўплаб, гендер тенглигини таъминлаш борасида энг катта ютуқларга эришган бешта давлат қаторига кирди.

Бу натижалар мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётгани, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун яратилган имкониятларнинг юксак эътирофи, десак асло адашмаган бўламиз.

Қолаверса, дунёда кечаётган оғир геосиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ва маънавий инқирозлар фониде гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш каби ижтимоий масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши катта жасорат ва масъулият талаб этади.

Яқин ўтмишимизда аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳисобот учунгина таъминланган даврларни ҳам кўрдик. Бироқ бугунги Ўзбекистонда аёллар нафақат парламентда, балки давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, иқтисодий сиёсат юритиш жараёнларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ҳозирда Олий Мажлис юқори палатасида сенаторларимизнинг 26,4 фоизи хотин-қизлардир. Қонунийлик палатасига янгидан сайланган депутатларнинг эса 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу аёллар энди қонуналарни ижро этувчигина эмас, балки уларни шакллантиришда ҳам фаол иштирок этаётган етакчи кучга айланаётганидан дарак беради.

Давлат бошқарувида аёллар иштироки ортиб, вазириликлар, банклар, илмий ва таълим муассасалари, йирик саноат корхоналари улар раҳбарлиги остида ишламоқда. Юксак давлат лавозимларидаги хотин-қизлар нафақат шахсий муваффақияти, балки минглаб аёллар ҳаётини яхшилашга қаратилган ташаббуслари билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшапти.

Бироқ олдимизда ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳам анчагина. Хусусан, билимсизлик ва ўз ҳуқуқларини етарли даражада талаб қила олмағичи опа-сингилларимизни қийнаб келаятган қўллаб-қувватлаш муаммоларга сабаб бўлаётди. Афсуски, жамиятимизда оилавий ажримлар, келишмовчиликлар туфайли уй-жойсиз қолган, ҳатто болалари таъминоти учун моддий даъво қўя олмаган аёлларни ҳам учратиш мумкин. Хотин-қизларимиз жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши, энг аввало, ота-оналар муносабати ва олий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш билан боғлиқ.

Муҳтарам Президентимиз ўтган йили юртимиз хотин-қизларини 8 март байрами билан қутлар экан, “Қанчалик қийин бўлмасин, биз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратмоқдамиз ва бу ишларимиз албатта давом этади. Чунки аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-хунари эгаллаши оила бахти, фарзандлар камали учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади”, деган эди.

Ҳақиқатан, таълим — аёл учун ҳаёт йўли, эркинлик қалити, тараққиёт пойдевори. Бир пайтлар мактабни битирган қизларимиз кўпинча ўқиниши давом эттира олмаган бўлса, жорий ўқув йилида республика олий таълим муассасаларида тахсил олаётган хотин-қизлар улуши 52,2 фоизни ташкил қилмоқда. Ваҳоланки, бир неча йил аввал бу кўрсаткич атиги 20-30 фоиз атрофида эди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни унутмаслик керакки, халқимиз азал-азалдан аёлни она,



тарбиячи, миллат таянчи сифатида улуғлаб келган. Шу боис, маърифатпарвар боболаримиз “Онани ўқитсак, миллатни ўқитган бўламиз”, дея хотин-қизларни билимли қилишга интилган. Тарих гувоҳ: ҳар қандай қалтис даврларда ҳам миллатпарвар зиёлиларимиз аёллар таълимига алоҳида эътибор қаратган. Бунга ўзбек қизларининг бир гуруҳи XX аср бошларида ватанпарвар зиёлилар ҳомийлигида Германияга ўқишга юборилгани ёрқин мисол бўла олади. Шу билан бирга, Тўмарис, Сарой Мулк хоним (Бибиҳоним), Гаҳаршод-бегим, Улдулданбегим, Мумтоз Маҳаллбегим,

йилларда 205 мингдан ортиқ аёл ўз бизнесини йўлга қўйди. Давлат томонидан хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 йил мuddатга 14 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилди, давлат грантлари, субсидиялар ва бизнес дастурлари жорий этилди, хунарандчилик ва тадбиркорлик курслари ташкил этилди.

Шунингдек, “Аёллар дафтари” тизимини орқали минглаб хотин-қизлар тадбиркорликка йўналтирилди. Ишбилармон аёллар ўз ҳаётини яхшилашга қўлмай, жамият тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила институтини гендер тенглик масалалари билан давлат сиёсати даражасига кўтаришга қаратилган салмоқли ислохотлар амалга оширилди. Шу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссиясининг ташкил этилиши бўлди.

Ушбу комиссия хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи парламент ва ҳукумат ҳузуридаги тақорланувчи кенгашлирини бириктириб, ягона ёндашув асосида фаолият юритишга йўналтирилди. Унинг таркибига парламент аъзолари, ҳукумат вакиллари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, нодавлат ношароит ташкилотлар ҳамда ҳудудий ҳокимликлар вакиллари киритилди.

Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири — маҳаллаларда хотин-қизлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мазкур йўналишда намунавий тизим яратиш. Бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, аёлларнинг жамиятдаги фаолиятини қўллаб-қувватловчи тизимли дастурлар ишлаб чиқилди.

Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаолиятини ошириш мақсадида “Раҳбар аёллар мактаби” дастури жорий этилди. Шунингдек, БМТнинг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги резолюциясини амалга ошириш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонулар қабул қилиниб, ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Бу борадаги муҳим қадамлардан бири — 2023 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қонун бўлди.

Ушбу ҳужжат жинсий зўравонлик ва оилавий таъқиқларга қарши кескин чораларни назарда тутиб, қонунийликдаги мавжуд бўшлиқларни бартаф эди. Айниқса, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларга енгиллик бериш имконияти бутунлай бекор қилинди.

Жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар бу ўзгаришларни ижобий баҳолади. Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги сый-ҳаракатлар, айниқса, халқаро миқёсда эътироф этилиб, Пекин декларацияси ва Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция каби халқаро мажбуриятларга мувофиқ экани таъкидланди. Бу ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги

тизимли ислохотлар самараси сифатида баҳоланмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий воситалар орқали ҳам таъминланмоқда. 2024-2025 йилларда 580 миң нафар аёлни иш билан таъминлаш режалаштирилган. Бу мақсадда 3 триллион 128 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун “Лойиҳалар фабрикаси” электрон платформаси ишга туширилди.

“Аёллар дафтари” тизимини орқали 548,8 миң хотин-қиз иш билан таъминланди. Шунингдек, “Намоһ” дастури доирасида тадбиркор аёлларга молиявий кўмак бериш механизми жорий этилди ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда грантлар жалб қилинмоқда.



Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолиятини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш мамлакат ижтимоий ривожланишининг ажралмас қисмига айланди. Бу йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар, қабул қилинган қонулар ва ишлаб чиқилган дастурлар аёлларнинг ҳаётдаги мавқеини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳукумат томонидан белгиланган исчилик сиёсат натижасида Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайиб, ижтимоий барқарорлик янада мустаҳкамланяпти. Бу сый-ҳаракатлар нафақат жамиятда тенгликни таъминлаш, балки келажак авлод учун кучли ва барқарор асос яратишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Аёллар дафтари” тизими ва гендер тенглигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар аёллар турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Мазкур йўналишда 2024 йили амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, 2025 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар белгилаб олинди. Эндликда нафақат ижтимоий ҳимоя, балки аёлларнинг иқтисодий фаолиятини, таълим ва давлат бошқарувидаги иштироки ҳам эътибор марказида бўлади.

Дарҳақиқат, 2020 йилдан буён амалга оширилётган дунёда муқобили йўқ “Аёллар дафтари” тизими давлат ва жамият ҳамкорлигида эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмига асос солди. 2020-2024 йиллар давомида 3,5 миллион хотин-қизга моддий, тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Утган йили 549 миң хотин-қиз иш билан таъминланди; 36 миң аёл тадбиркорлигини

йўлга қўйиш учун 362 миллиард сўм кредит олди; 161 миң боқувчисини йўқотган аёлга моддий ёрдам кўрсатилди; 6 миң хотин-қизнинг уй-жой шароитлари яхшиланди; 211 миң аёл ва уларнинг 49 миң нафар фарзанди тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу тизим жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди.

2025 йилдан “Аёллар дафтари” янги босқичга кўтарилади. Эндликда аёлларнинг эҳтиёжларини аниқлашда “маҳалла еттичилиги” етакчи роль ўйнайди. Бу йил хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида 580 миң хотин-қизни иш билан таъминлаш, 134,4 миң аёлни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратиш, “Лойиҳалар фабрикаси” платформаси орқали 250 та тадбиркорлик йўналишида онлайн

“Хотин-қизларнинг раҳбарлиги лавозимларига тайёргарлиги ва таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2024 йилда “Раҳбар аёллар мактаби” дастури орқали 100 нафар хотин-қиз ўқитилди, 388 нафар талабанинг контракт тўловлари давлат томонидан қоғлаб берилди, 150 хотин-қизнинг фарзанди учун грант ажратилди.”

Нодира, Увайсий, Анбар отин каби юзлаб маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти бугун ҳам биз учун ибрат бўлиб келмоқда.

Бугун юртимизнинг ҳатто қишлоқ ҳудудларида ҳам қизлар учун олий таълим олиш имконияти яратилди. 7 йил мuddатга 14 фоизли таълим кредитлари жорий этилгани, магистратурада ўқишга кирган аёлларнинг шартнома тўловлари давлат томонидан қоғлаб берилаятгани, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар қизлари учун махсус грантлар ажратилаятгани минглаб ёшларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда.

Хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллиги олий таълим олиш каби долзарб масалалардан биридир. Шу боис, сўнгги



Убайда ФАЙЗИЕВА:

“НУҚСОНЛИ БОЛАЛАР ҲАМ ГАПИРА ОЛАДИ”

Матонат



Эшитиш ва гапиришда нуқсонли бор болалар билан мулоқот қилиш соғлом одамлар учун қийин. Уларга таълим бериш, ўқиш-ёзишни ўргатиб, нутқини тўғрилаш, ҳатто сўзлашга ўргатиш орқали овозлар дунёсига олиб кириш эса икки карра машаққатли. 57 йилдан ортиқ фаолияти давомида нуқсонли болаларнинг ўзбек тилида таълим олиши учун тинмай изланаётган, махсус таълим адабиётлари яратган, илк “Алифбе” китобини чоп эттирган олима, сурдопедагог Убайда Файзиева ҳозиргача соҳа мутахассисларини тайёрлашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Салкам 80 ёшни қоралаган юртдошимиз дефектология йўналишидаги илмий-амалий ишлари билан халқро майдонда ҳам танилган. Унинг узок йиллик илмий изланишлари натижада эшитиш ва гапиришда нуқсонли бор болалар бугун ўза она тилида сифатли таълим олиш, нутқини чиқариш имкониятига эга бўлган, ҳамма қатори гапириб кетган. Аёл шундай вақтларда ўша болаларнинг оналари кўзига боқади, улардан икки карра кўп севади, касбидан рози бўлади, бахтни ҳис қилади. Ахир шу йўналишда тахсил ола бошлаган кезлари 19 ёшда эди. Ўшандан бери изланишдан тинмади, танлаган йўлидан қайтмади. Ўқиди, ишлади.

— Тошкент вилоятининг тоғли Бурчмулла қишлоғида туғилиб, вояга етганман, — дейди олима. — 1967 йилда Тошкент шаҳри хотин-қизлар педагогика билим юртини тамомладим. Тақдир тақозоси билан кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатига ишга кирдим. Шу ерда 22 йил фаолият юритдим. Мени қўйишнинг асосий масала шу каби мактабларда болаларнинг ўқитиш ва гапиришда қандай бўлиши, уларга ўза она тилида таълим бериш, урф-одатларини ўргатишга аҳд қилдим. Фаолиятим шу йўналишда давом этишини тушуниб етганимдан кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет) нинг олигофренопедагогика ҳамда сурдопедагогика йўналишларида тахсил олдим. Лекин ўша вақтларда юртимизда кар-соқов болаларни ўқитиш учун ўзбек тили дарсликлари ҳам, бу борада тажриба ҳам йўқ эди. Рус тилидаги дарсликларнинг тағига ўзбекча эзиб, болаларни ўқитган вақтларимиз бўлган. Шу боис, нуқсонли болалар учун ўзбек тилида дарслик яратиш асосий мақсадимга айланди. Бунинг учун, аввало, шу йўналишда ўқитиш методикасини мукамал ўрганиш, ўзбек тили қоидаларини яхши билиш, ўргатиш механизминини тўғри белгилаш керак эди. Менга “Олим бўлмасангиз, илмий инвонингиз бўлмаса, буни ундамай олмайсиз. Бу масалага аралашмангиз”, деганлар ҳам бўлган. Аммо мақсадим қатъий эди, атрофимга ўқитувчилар, муаллифлар гуруҳини тўлаб, 1984 йилда илк дарсликларни тайёрладик. Ҳатто мактаб-интернатлар учун ўзбек тилида илк “Алифбе” ни ишлаб чиқдим. Москвадаги илмий кенгашга олиб бориб, тасдиқлатиб ҳам келганман. Аммо турли сабабларга кўра, чоп этилмади. Мустақилликдан кейин — 1992 йилда бирдан 5 та дарслигим ва “Алифбе” китоби нашр қилинди. Ўзим жалб қилган ўқитувчиларнинг ҳам бир неча дарслиги чиқарилиди.

Мен ўқиган вақтларда олий ўқув юртидаги сурдопедагогика факультетларида ҳам дарслар рус тилида ўқитиларди. Соҳадаги билимимни ошириш мақсадида кўлимдаги ғўдагим билан Москвага бориб, сиртдан таълим олдим. Бу орада тегишли идораларга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг дефектология факультети сурдопедагогика йўналишида ўзбек тили гуруҳлари очилишини сўраб мурожаат қилдим. Ўзбек хотин-қизлари ҳам ўза она тилида шу соҳани ўргансин, деган масалани кўйдим. 1979 йилда 1-курсни тамомлаб, юртимизга қайтган, сурдопедагогика йўналиши бўйича ўзбек гуруҳи очилиб, қабул эълон қилинганини кўрдим. Кейин ўқимамни шу гуруҳда давом эттирдим. Ўқини тамомлагач, аввал катта ўқитувчи, сўнг кафедра мудир лавозимида ишладим. Шундан сўнг университетда ўзбек тилида факультетлар очилди. Ҳозир кўриш, эшитиш, нутқда нуқсонли бўлган болаларни ўқитиш бўйича мутахассислар тайёрланипти. Улар ишимизни давом эттиради.

Убайда опа 30 ёшдан кейинги фаолиятини нуқсонли болаларни ўқитиш билан бирга, шу соҳада кадрлар тайёрлашга қаратди. Сурдопедагогика йўналишида талабалар учун илк бор ўзбек тилидаги ўқув режа ва дастурлар тайёрлаб, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқди. Кўплаб шоғирларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилляпти. Ўзи ҳам номзодлик ишнини ёқлаб, 1996 йилда доцент илмий инвонига эришган. Олиманинг бугунга қадар кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун 14 номдаги дарслиги, талабалар, махсус таълим муассасалари, инклюзив таълим бўйича ўқитувчилар ҳамда ота-оналар учун методик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.

Таълимнинг ҳамма учун тенг шакли

Охирги йилларда инклюзив таълим ҳақида кўп эшитяпмиз. Боиси, юртимизда бу нафақат кўп тилга олинаётган, балки катта эътибор қаратилаётган йўналишлардан бирига айланди. Инклюзив таълим жисмоний имкониятидан қатъи назар, ҳамма боланинг бир хил мактаб ва бир хил шароитда таълим олишини аниқлатади. Яъни имконияти чекланган бола соғлом болалар билан бир хил эътибор кўриб ўқий олиши керак. Бу нуқсонли бор болаларнинг ҳам ўза ҳудудидаги инсталган умумтаълим мактабиде тахсил олиш имконияти, деганидир. Бунда бола махсус мактаб-интернатда ўқиганидек, оила аъзолари, яқинларидан узоқда бўлмайди, одатий ҳаёт кечириб, жамиятнинг фаол аъзолари қаторига қўшилади.

Бунинг учун умумтаълим мактабларида шунга яраша шароит бўлиши керак. Инклюзив таълимнинг мақсади ҳам алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар учун мактабда махсус восита ва методларни қўллаш орқали махсус педагогларни жалб этган ҳолда, тўсиқсиз мослаштирилган таълим



муҳитини яратиш, нуқсонли болаларга сифатли умумий ўрта таълим беришдан иборат.

— Ҳозир юртимизда инклюзив таълимни ривожлантириш орқали кар-соқов болаларни 2-3-синфдан соғлом болалар қаторига қўйиш бўйича катта ишлар қилиняпти, — дейди Убайда Файзиева. — 2020-2021 йилларда Ўзбекистонда инклюзив таълим жорий этилган, аввал давлатимиз раҳбарининг қарори билан 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси эълон қилинди. Шундай таълимни ривожлантирувчи махсус лаборатория очилди. Юртимизда махсус таълим хорижий давлатларникидан қилинмайдиган даражада ривожланипти. Кўп давлатларда хизмат сафариде бўлиб, амалиётини ўрганишимизда, айниқса, биздаги имкониятлар яққол кўзга ташланади. Масалан, айрим давлатларда бола тўғридан тўғри инклюзив таълимга жалб этилишига гувоҳ бўлдик. Уддалаб кетса, ўқийди, бўлмаса, йўқ. Бизда эса нуқсонли болалар аввал махсус мактабларда инклюзив таълимга тайёрланиб, кейин умумтаълим мактабига ўтказилади. Ҳозир юртимиздаги мактаб-интернатларга сарфланаётган маблағ билан кўплаб умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мумкин. Мактаб-интернатларнинг барчаси эшитиш, овозини кучайтириб бериш мосламалари билан таъминланган. Илгари болалар фақат дарс вақтида эшитиш олган бўлса, энди кунбўйи эшити олади. Бундай шароитда улар гапиришга тезроқ ўрганади. Демократикани, эътибор, шароит, сарфланаётган маблағ жуда катта. Кар-соқов болаларнинг тезроқ соғлом болалар қаторига қўшилиб, мослашиб кетиши учун барча шароит яратилган.

Мақкур жараёнда ўзим ҳам бевосита иштирок этиб, бир вақтлардаги қийинчиликлар ёдимга тушса, бугунги шароитлардан қувонаман. Инклюзив таълим ҳақида шунчаки гапирилмапти, балки аниқ ишлар қилиняпти. Умумтаълим мактабларини бунга тайёрлаш, махсус мактаблардаги каби шароитларни яратиш учун катта тайёрларлик ишлари олиб борилди. Ўқитувчилар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратилди. Ҳозир 700 га яқин алоҳида эҳтиёжли бола инклюзив тарзда таълим олаётган бўлса, 2030 йилгача махсус мактаб-интернатларда ўқитган болалар сони жуда қисқаради. Оғир шаклдаги, инклюзив таълимга тайёрлашга имконияти йўқ болаларгина махсус таълим муассасаларида ўқийди. Сифатли натижага эришиш учун кадрлар тайёрланипти. Олий таълимда ҳам олий инклюзив таълим йўлга қўйилди.

Аёлнинг кучи нимада?

Нуқсонли болалар билан ишлаш осон эмас. Педагог бундай болаларни ўқитиш, саводини чиқариш учун соғлом болаларга нисбатан кўпроқ вақт, меҳнат сарфлайди. Убайда Файзиева ана шу меҳнатнинг натижасидан завқ олади. Олим ўзи ташкил қилган инклюзив таълим марказида эшитиш, нутқда муаммоси бўлган болаларни соғломлаштириш билан шуғулланади. Ҳар ўқув йилида марказдаги 5-6 бола умумтаълим мактабига инклюзив таълим олишга чиқиб кетади. Улар ҳамма қатори гапиради, ўқиб-ёзади.

— Кўп аёллар фарзандини олиб келиб, “Болам эшитмайди ҳам, гапирмайди ҳам, нима қилсак бўлади?” деган ташвишли савол билан мурожаат қилади, — дейди Убайда Файзиева. — Ҳозир бу борада имконият жуда кенг, юртимизда кар-соқов болаларни эшитиш ва гапиришга ўргатиш амалиёти кириб келиб, ривожланди. Гап жарроҳлик амалиёти орқали имплант қўйиш ҳақида кетяпти. Ана шу имплант болаларга эшитиш имкониятини берапти. Эшитган бола гапира олади. Фақат бунинг учун сурдопедагог ёрдами керак. Марказимизда айни шу жараён амалга оширилади. Болага имплант қўйилган кун қайтадан туғилгандек бўлади. Чунки овозли дунёга кириб боради. Бу қувонч болаларга давлатимиз томонидан берилиб, жарроҳлик амалиёти бепул ўтказилаётир. Чунки ҳамма давлатда ҳам бундай шароит яратиб берилмайди. Ҳар йили камиде 200-300 болага кичик ёшидан бошлаб бепул имплант қўйилипти. Уларнинг 70-80 фоизи эшитиб,

гапириб кетиши, соғлом болалар қаторига қўшилиш ҳам катта натижа.

Убайда Файзиева билан суҳбат узок давом этди. Бир аёл ўза касбини бунчалки севиб, олималик машаққатини қувонч билан босиб ўтиши борган сари хайратни оширади. Бундай инсонлар мамлакатимизда қадрланади, бундай аёллар доим эъзода, барчага намуна. Олиманинг кўксига тақилган орден ва медаллар бунинг исботи.

— Болалигидан олдиға мақсад қўйиб яшаган аёл кучли бўлади, — дейди Убайда Файзиева. — Чунки ўша мақсадга эришиш учун машаққатли йўлларни босиб ўтиши керак. Ҳатто бирор касби бўлмаса ҳам фарзандларни дунёга келтириб, яхши инсон қилиб тарбиялаш ҳам аёлни кучли қилади. Мен ўзимни ана шуларга эришган бахтли аёл деб биламан. Ногирон болаларни эшитадиган дунёга олиб кириб, нутқини чиқариб, оналари қувончини кўрсам, икки карра бахтни туяман. Уни сўз билан ифодалаб беролмайман.

Жамиятда хотин-қизларнинг ўза ўрнини топшида оиласининг қўллаб-қувватлови жуда муҳим. Турмуш ўртосида касбимни ҳурмат қилиб, ишлаши учун барча шароитни яратиб берган. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида, эҳтимол, оилада ҳам, ишда ҳам бугунгидек натижага эришолмаган бўлардим. Фарзандларим ҳам доим мени тушуниб, ёнимда турган. Барчаси ҳаётда ўза йўлини топган. Оила даврасида ўтирганимизда “Мени ҳаммиша қўллаб-қувватлаганингиз учун сизлардан миннатдорман!” деб айтиб тураман...

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Юксалиш палласи

МУНОСОБИЛИК

ЭЛ-ЮРТИМИЗ РИВОЖИГА КАМАРБАСТАЛИК ДЕМАК

Умматой ЙЎЛДОШЕВА, “Янги Ўзбекистон” университети магистранти, “Анора” лойихаси асосчиси



“Анора” лойихасига асос солишдан олдин Оила ва хотин-қизлар кўмитаси билан бирга қизларни ахборот технологиялари йўналишида ўқитиш учун кўп лойихаларни илгари сурдик. Ўтган йили ёзда мобил дастурлашни ўргатиш бўйича тренинглр ўтказдик. Шу даврда жуда кўп қийинчиликка дуч келдим. Тингловчиларнинг бирида компьютер йўқ, иккинчисиде бошқа етишмовчилик учрайди. Аммо бу ҳолат хотин-қизларнинг дастурлашни ўрганишига ҳалал бермади. Уларга бугун муҳим бўлган сунъий интеллект ва нейросетлар орқали даромад топиш йўлини ўргатишга ҳаракат қилдим. Ҳозир жуда кўп нейросет чиқиб кетди. Ўзимиз матн бериш орқали расм яратиб, уни сотиш имкониятига эга бўламиз. Бу орқали яхшигина даромад топиш мумкин.

Лойиха орқали аёл-қизларга ахборот технологиялари йўналишида дастлабки билим бериш, келажакда қисқа муддатда қўшимча даромадга эга бўлишига кўмаклашиш мақсад қилинган. Лойиха жуда оддий: опа-сингилларимиз қисқа муддатда ва осон бажариши, икки ой муддатда дастлабки билимларни ўрганиши мумкин.

AISEC ташкилотининг 110 давлатда офиси бор. Айни пайтда Ўзбекистонда очилган офисда мен вакил сифатида ишлаяпман. Бу лойиханинг Global Teaching, Global Internships, Global Student деган дастурлари мавжуд. Лойиханинг университет талабаларининг хориждаги етакчи ОТМларида малака оширишига ёрдам бериш, стартапларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳозир айни шу йўналишларда ҳамкорлик қиляпмиз. Стартап лойихаларни ишга тушириш бўйича ишлаяпмиз. Турли университетлардаги стартап лойихаларини йигиб, уларга муносиб инвестиция, венчур фондар топиб беряпмиз. Бу борада Франция, Италия, Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қиляпмиз.

Зулфия номидаги давлат мукофотиға муносиб кўрилишим кутилмаган ҳолат бўлди. Бу чиндан

ҳаяжонли ва шуқуҳли воқеа. Онам кичиклигимданок бу мукофотни қўлга киритишимни орзу қилган. Бугун онамининг орзуси рўёбга чиқди. Мукофот олганимни билгач, менга: “Раҳмат, юзмин ёруғ қилдинг, қизим. Барча қийинчиликларим ортда қолди. Сенга ишонганим”, деди. Шу лаҳзаларда мендан бахтиёр инсон йўқ эди.

Фарзанд учун ота-она орзусини амалга ошириш, улар кўзидаги қувонч ва бахтни кўриш ўзгача туйғу бағишларкан. Тўғри, бу муваффақиятга бирдан эришмадим. 2019 йилда ҳам Зулфия номидаги давлат мукофотиға номзод бўлганман. Лекин охирги босқичдан ўта олмаганим. Ҳамма ишнинг хайрли ечими, вақти-соати бўларкан. Ўша пайтда мен бу мукофотга лойик эмасдим. Ҳозир магистратура босқичида тахсил оляпман. Бугун эришган натижаларим билан ҳақиқи равишда фахрлансам бўлади. Мукофот менга ана шундай гурур берди. Энг қувонарлиси, онам ҳам тақдирлаш маросимига таклиф этилган. Мен фарзандлик бурчимни қисман бўлса-да адо этаётганимдан хурсандман. Ота-онамининг қувонч кўзи ёшларини кўриб, шу мукофотга муносиб, ватанимиз ривожини йўлида камарбаста бўлишга ваъда бердим.

БУГУНГИ ҚИШЛОҚ АЁЛИ, КЕЧАГИ ҚИШЛОҚ АЁЛИ ЭМАС

Тожибийка МАТКАРИМОВА, фермер, “Яшил табиат био орайи” биологаторияси раҳбари



Аёл ҳар қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир матонат тимсоли. Айниқса, қишлоқ аёли! У барча замон ва маконларда нозик қалби ва жуссаси билан синовлардан мардона ўтиб келган. Узокқа бормайлик, яқин-яқингача мажбурий меҳнатдан асосан, қишлоқ аёллари азият чекди. Пахта сабаб боласини дала бошида катта қилганлар ҳам, ҳамшира ёки ўқитувчи деган мақоми билан далага қувилганлар ҳам шу — қишлоқ аёли эди.

Нигоҳ

Кейинги йиллардаги ислохотлар сабаб мажбурий меҳнатга тўла барҳам берилди. Бугун қишлоқ ҳамшираси ўза иши билан, ўқитувчиларимиз таълим бериш билан банд. Уларнинг ҳуқуқига кимдир даҳл этса, дарров чора кўрилади. Ҳақлари тикланади. Шунинг ўзиёқ янги Ўзбекистонда инсон қадри улугланиб, аёллар эъзода эканини кўрсатади.

Ўзим яшайдиган Хўжайли — Қорақалпоғистоннинг олис ҳудудларидан бири. Шу ерда узок йиллардан бери фермер хўжалиги раҳбар сифатида фаолият юритиб келяпман. Бундан ташқари, ўсимликлардаги турли касалликларга қарши курашадиган хусусий лабораториямиз бор.

Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли. Паррандачилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланамиз. Бугун қишлоқ аёлига яратиб берилмаётган имкониятлар деганда, мана шу ишларнинг кўз олдимга келади. Мен ҳам оддий қишлоқ қизиман. Ўзгина меҳнатим, интилимим сабаб бугун катта натижаларга эришяпман. Масалан, бир неча йил аввал берилган имтиёзлар сабаб фермер хўжалигимизга янги турмуш олиш имкониятига эга бўлдик. Бу ишимизни анча енгиллаштирди.

Ўсимликлар карантини бўйича қирқ йиллик тажрибам бор. Ўсимликлар дунёсини кузатиб, кўриб, уларни ҳам одамларга ўхшатиш келади. Табиатда зарар кўпайса, об-ҳаво нуқулай бўлса, ўсимликларда касаллик авж олади. Ўсимликларнинг бўлмади. Бунинг учун, аввало, уларни турли об-ҳавога

чидамли, иммунитетини кучли қилиш чоралари кўрилади. Жамиятда ҳам шундай экан. Қийинчилик кўп бўлса, аввало, аёллар синовга дуч келади. Эришган йиллардаги ислохотлар сабаб қишлоқ аёлининг турмуши тубдан ўзгарди. Мамлакат ривожини бевосита хотин-қизлар фаоллигига боғлиқ экани эътироф этилиб, шунга муносиб тарзда ислохотлар қилинмоқда. Президентимиз “Битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз”, дея бир неча бор таъкидлади. Оналарнинг билимдон бўлиши учун, аввало, хотин-қизлар таълимига қаратилаётган эътиборини эслашимиз керак. Масалан, имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди. “Аёллар дафтари” сабаб ижтимоий кўмакка муҳтож оналар, опа-сингилларимиз қўллаб-қувватланмоқда. Яна бир мисол, икки йил аввал маҳалламизда икки қаватли замонавий боғча қурилди. Бугун маҳалламизнинг аёллари бемалол болаларини боғчада қолдириб, ўза юмушлари билан тўла шуғуллана оляпти. Янги Ўзбекистонда боғчаларнинг кенг жорий этилиши бугун олис қишлоқлардаги аксарият аёлларнинг орзулари ушалишига хизмат қилмоқда. Улар рўзгор, болага қарашдай юмушлардан ортиб, жойлардаги марказларда бепул таълим, касб-хунар ўрганипти.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизлар эъзода эканини кўрсатади. Бугун бахтли бўлиш учун ҳамма имконият бор, янги шарти шуки, шунга муносиб тарзда меҳнат қилиш керак!

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТНИНГ

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

ИНСОНЛАРГА ЎЗ ИМКОНИЯТИНИ АНГЛАТА ОЛИШДА



Янги Ўзбекистондаги энг катта ислохотлардан бири, шубҳасиз, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар бўлди. Дастлаб “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жорий этилиб, аҳолининг муайян қатламга зарур кўмак берилди. Бугунга келиб, бундай қўллаб-қувватлов янги босқичга олиб чиқилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу агентликнинг эътиборга молик ишларидан бири психолог ёрдамнинг жорий этилишидир.



борасида ишляпмиз. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги дастур ижроси бўйича “Фаровон оила” тренинг дастурини йўлга қўйди. Унинг дастлабки босқичларидаёқ яхши кўрсаткичларга эришдик.

Масалан, аниқ саъй-ҳаракатни ўтган йил охирида Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида бошлаган эдик. Ушбу жараёнда асосий эътиборни инсонларнинг ҳис-туйғуларини бошқариш, оилавий муносабатларни яхшилаш, жамиятдаги мулоқотни тўғри йўлга қўйишга қаратдик. Шунда инсон тезроқ ижтимоийлашади. Агар одамда салбий эмоциялар кучли бўлса, ижтимоий изоляцияга тушиб қолса, ҳаётдаги мақсадларини ҳам унутди. Бу психологияда стигмация дейилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли орасида бундай ҳолат табиий равишда кўп кузатилади. Шу боис, уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб иш тўтиямиз.

Келинг, аниқ натижаларни билиш учун ҳаётини мисолларга тўхталаск. Масалан, ўзини ҳайрон қолдирган ҳолат Тошкент вилоятида содир бўлди. Бир фуқаро (исмини сир сақласак) шу вақтгача уй олиш борасида давлат идораларига жуда кўп мурожаат қилган. Бошқача айтганда, боқимандалик кай-фийтига тушиб қолган.

Фуқаро бир хонали уйда яшайди. Ижтимоий ҳолати ҳам шунга яраша. Унинг психологиясида катта уйга эга бўлсам, муаммоларим енгиллашади, деган қараш ўрнашиб қолган. Шу боис, ҳоқимлик текин уй билан таъминласин, дейди. У билан суҳбатлашиб, оиласи билан яқиндан танишдик. Оилада турмушдан ажраб келган қиз, ўғил ва неваралар бор. Яъни оиласида меҳнатга лаёқатли инсонлар етарли. Узининг имконияти чекланган, ногиронлиги сабаб нафақадан. Лекин ўзи ҳам меҳнатга, тивувчилик қилиб пул топишга лаёқатли. Ушбу фуқаро ва оиласи билан ишлаш жараёнида уларнинг ҳаётини қадриятларини, иқтисодий кўникма

асосида уй олиши мумкинлигини тушунди. Шу тариқа битта оилада ҳамжихатлик пайдо бўлди. Бу энг муҳим фактор. Оила аъзоларининг ҳар бири кам бўлса ҳам даромад топади. Умумий мақсади — уй олиш. Аммо ўша ҳамжихатлик йўқлиги сабаб аёл тинимсиз давлат идораларидан уй сўраб келган. Психолог ёрдамдан сўнг ўғил ҳам, турмушдан ажраб келган қизи ҳам, ҳатто ногиронлиги бўлган она ҳам ишлаб, пул йиғиб уй олади-ган бўлди. Иш самарасини билиш учун ушбу фуқаронинг фикри билан қизиқдик. “Шунчалик ҳолатга тушиб қолган эканманки, ўзининг кучли жиҳатларини билмаган, фарзандим билан муносабатни ҳам тўғри йўлга қўя олмаган эканман. Ваҳоланки, унга меҳр бериб, меҳр олишим керак экан. Оиламизда тинчлик ҳукм сура бошлади. Бу бево-сита соғлигимга, набираларим тарбиясига ижобий таъсир қилляпти. Олдимга мақсад қўйдим: фарзандларимга таялм бериб, мактабда яхши ўқишига ҳаракат қиламан. Дарсларини кузатиб бораман. Умид қиламанки, улар оиламизга катта муваффақиятлар олиб келадилар”, деди. Бу — битта оила билан бир ой шуғулланганимиз орқали эришилган натижа. Шунчаки гаплар эмас, аниқ илмий асосда олиб борилиб, оиланинг ҳар бир аъзоси билан алоҳида шуғуллангач, эришилган натижа. Энди тасаввур қилинг: жамиятда бундай оилалар қанча? Мана шунинг ўзбек бугун ижтимоий ҳимоя тизимида психолог ёрдам қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

Шу ўринда аниқ рақамларга мурожаат қиласк. Масалан, ўтган йилда психологларимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож 36 минг 343 кишига хизмат кўрсатган. Булар орасида вояга етмаганлар ҳам бор. Яна бир жиҳат: хизматдан фойдаланганларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Яъни 29 минг 946 аёл ва 6397 эркак психолог ёрдам олган.

Бу рақамлар жорий йилда олдимизга жуда катта вазифалар қўяди. Савол туғилади: нега эркаклар аёлларга нисбатан кам мурожаат қилган? Бунга эркакларнинг ёрдамга муҳтож эмаслиги сабабми ёки бошқа омиллар борми? Ёки аёлларни қийнаётган, уларгагина хос муаммолар нимдан иборат? Бундай саволларга тахминий жавобларимиз бор, албатта. Аммо реал тажриба яна янги қирраларни очини, биз билмайдиган жиҳатлар бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу хизматларни мамлакатнинг барча ҳудудда амалга ошириб, фуқароларнинг руҳий ҳолати, психолог ёрдамга эҳтиёжини ҳар томонлама таҳлил қилиб бормоқдамиз.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

— Психолог ёрдамга муҳтож одамлар қандай аниқланади?

— Аввало, фуқаролар бизга ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз ёки бевосита ўзи яшаётган ҳудуддаги ижтимоий хизмат ходими орқали мурожаат қилиши мумкин. Бунда шахсинг мурожаати сир сақлангани кафолатланган.

— Лекин ҳамма ҳам мурожаат қилавермайди. Бизда дардини ичига ютиш, ўтиб кетади деб юриш одати бор...

— Айнан шу сабаб ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ходим ва психолог чамбарчас болганган. Битта тизимда яхлит ишлаш йўлга қўйилган. Яъни ижтимоий ходим маҳал-лаларда юрганда аҳолини жиддий ўрганади, кузатади. Одамлар орасида психолог ёр-дамга муҳтожларни аниқлайди. Ижтимоий ходимлар бирдам психолог кўникмага эга бўлгани учун буни мулоқот жараёнида аниқлаши мумкин. Сўнг улар профессионал психологларни тўғридан тўғри ўша хона-дан йўналтиради. Яъни фуқаро психолог қабулига эмас, мутахассис ёрдамга муҳтож одамнинг олдида боради.

Психолог кўмак муайян муддат талаб қилади. Шу сабаб, мутахассис шунчаки бо-риб, вазиятни кўриб қайтиб келмайди. Ҳо-латига қараб, ўша оила, шахс билан бир-икки ой шуғулланади. Кейин натижага тўла ишонч ҳо-сил қилиш учун шахсини олти ойгача кузатади. Урни келганда халқимизга хос бир жиҳатини айтиб ўтиш керак: биз психолог ёрдамни бир оз нотўғри тушунаемиз. Шунинг учун уни четлаб ўтишга ҳаракат қилаемиз. Шу боис, ижтимоий ходимлар мазкур контингентни аниқлаб бериши жуда муҳим. Ҳа, ишимизда ижтимоий ходим аниқловчи, йўналтирувчи, мониторинг қилувчи вазифасини ўтайди.

Яна бир нарх: ижтимоий муаммага йў-ликдан оилага нафақат тиббий, психоло-гик, балки ҳуқуқий ёрдам ҳам бир вақтинг ўзида кўрсатилади. Масалан, шахсда ўзига ишонч уйғотиш, оилавий муносабатларни яхшилашда психологлар ёрдам берса, кел-шимовчиликнинг ҳуқуқий оқибатлари ёки ҳоқимликдан куттилаётган ёрдам қанчалик

асосли эканини ҳуқуқшунослар тушунириб беради. Яъни битта оиланинг ижтимоийли-гини таъминлаш учун яхлит тизим ишлайди. Мақсад шу оилани мураккаб вазиятдан олиб чиқишга қаратилган. Янги Ўзбекистоннинг қиёфаси қаерда кўринади, десангиз, шулар-ни айтиб бергим келади. Бу том маънода инсон қадрига, уни улуғлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

— Бу ерда асосий вазифа барибир ижтимоий ходим зиммасида қоляпти. Ижтимоий ходим контингенти қўлайиб кетаверишидан хавотир олмайдими? Ма-салан, нуқул муаммоли оилалар ҳақида сабаб бераверсам, маҳалламда кўрсаткич ёмон бўлса, ишим салбий кўринади деб ҳолатини яшириш кузатилайдими?

— Йўқ, олдимизга рақамлар орттидан ку-виш эмас, натижага эришиш вазифаси қў-йилган. Шу сабаб, ижтимоий ходим қанча кўп муаммони аниқласа, шунча яхши иш-лаятти деб биламиз. Шунинг учун хизмат тур-лари кўпайтирилиб, жойларда ходимларга эҳтиёжни қоплаш борасида ҳам агентлиги-миз тинимсиз иланиш олиб бормоқда.

— Демак, қанча кўп бўлса, шунча яхши.

— Ҳа. Ҳозиргача нафақа олиб келган, аммо ногиронлиги бўлмаган кўп-кўп шах-сларни аниқладик. Айни пайтда ижтимоий кўмак олмаган, лекин ёрдамга муҳтожлар ҳам топилди. Буларнинг барчаси ижтимоий ходимларнинг маҳаллама-маҳалла юргани сабаб аниқланди. Масалалар ҳал этилди. Мақсадимиз — шундай оилаларни топиб, тезроқ жамиятга қўйиш, ижтимоийлашуви-ни таъминлаш, спортга, ишга жалб этиш.

Ижтимоий ходим нафақат иш бажару-чи, балки инсонлар руҳияти, ҳаётини, демак, жамиятни ўзгартиришга катта ҳисса қўша-диган шахс. Бу ҳар бир ходимга жуда катта масъулият юкляди. Бу масъулият статистик рақамлардан қочинишга эмас, ишлашга, қандай оғир қатламда бўлмасин, шахснинг ижти-моийлашувини таъминлашга қаратилган.

— Ҳозир ишлаётган психолог кадрлар-нинг малакаси қай даражада? Истаймиз-ми йўқми хориж тажрибасини ўргана-миз. Уни ўзимизга мослаштириш қандай кечяпти?

— Тўғри савол бердингиз. Биз халқро тажрибани ўрганаемиз. Чунки бошқалар бу жараёндан ўтган. Айни пайтда ушбу тажри-бани ўзлаштиришимиз, миллий муҳитга мослашимиз зарур. Бу борада ўрганишлар олиб бораемиз. Илмий ишлар қилинапти. Ўйлашимиз, қисқа муддатда жуда катта ил-мий асос яратиб оламиз. Чунки агентлик ти-зимсида ишлаш истагидаги психологлар сон-и кўнама-кўн ошиб бормоқда. Бир гал Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида битта ўринга 75 нафаргача номдод ариза топирипти. Бу — кучли рақобат, шунга яраша малакали кадр-ларни саралаб олиш имкони, дегани.

Номдодлар билан суҳбат чоғида, аввало, бу тизимга қизиқиш юқори экани маълум бўлди. Улардаги қизиқиш фақат иш топиш, яхшироқ маош эмас, балки ривожланиш, ўз касбининг устаси бўлиш истаги билан боғлиқлиги кишини қувонтиради. Чунки психолог кўпроқ одамлар билан ишлаши, турфа жараёнларни кўриши, аҳолининг ҳар хил қатламини ўрганиши керак. Биз-нинг тизим айнан шу имкониятни бергани учун психологлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида ишлашни истаиди. Улар бу ерда инсонларга яхшилик йўлида хизмат қилиб, профессионал кўникмасини оширади. Шунга таяниб айтдимки, яқин кел-лажада аҳолига психолог ёрдам бериш борасида жуда катта мактабга эга бўламиз.

Ижтимоий хизматлар миллий агентлиги тизимидаги психолог ходимлар доим мала-ка ошириш курсларида ўқиб, билим ва кў-никмасини мустаҳкамлаб боради. Масалан, ўтган йил охирида халқро экспертларни чақириб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан қандай ишлаш, уларга қай йўсин консултация бериш, ижтимоий хо-дим, шу тизимдаги психолог қандай касбий ва шахсий компетенцияларга эга бўлиши ке-раклиги борасида тренинглар ўтинди.

Бундан ташқари, психологларнинг билим ва кўникмаси мунтазам мониторинг қили-ниб, ҳар чоракда психологлар кўрсатаётган хизматлар баҳолаб борилади. Шу орқали худудлар бўйича қайси тоифадаги ишлар кўпроқ кузатилаётган бўлса, мутахассислар-ни ўша тенденция бўйича кўпроқ ишлашга йўналтирамиз. Бунинг учун махсус малака ошириш институтимизда модуллар ишлаб чиқилган. Барча психолог онлайн кабинети орқали қилиб, ундан фойдалана олади. Қисқаси, ҳам учрашувлар, ҳам кейс менеж-мент орқали мутахассисларимизнинг ма-лакасини мунтазам ошириб бораемиз. Шу орқали ўзимизнинг кучсиз жиҳатларимизни аниқлаб, бартафат этиш чоралари кўриб борилоқдам. Натижада психологларимизда профессионал ўқиш кузатиляпти.

— Жамиятимизда асосан қайси тоифа-да психолог ёрдамга эҳтиёж кўпроқ?

— Статистикамизга кўра, асосий иши-ми имконияти чекланган инсонлар билан боғлиқ. Улар билан нафақат индивидуал, балки оиласи билан ҳам ишлаймиз. Яъни ногиронлиги бўлган шахс билан тўғри му-носабат ўрнатиш, қандай қўллаб-қувватлаш кераклиги ҳақида оила аъзоларига тушу-нча берамиз. Чунки тажрибамизда ногирон фарзандига “Бу ногирон, фақат эрталаб овқат еса, кечки пайт ухласа бўлди”, деб қараганларга ҳам дуч келдик. Ногиронлиги бўлган шахсга қараш ҳам муайян кўникма, билим талаб қилади. Шунинг учун зарур ҳолатда оилалардаги психолог муҳитни яхшилашга ҳаракат қиламиз, муносабат-ларни ўргатамиз. Шунингдек, бошқа йўна-лишларимиз ҳам бор. Васийликнинг ижти-моийлашуви, оғир касалликка учраганларга хасталикни енгитишга кўмаклашиш, оилавий низолар, таъйиқ ва эърозонликка қарши ку-рашни шулар жумласидан. Умуман, барча тоифадаги инсонларга ички имкониятини очиб бериб, ижтимоийлашувида кўмакла-шиш, жамиятнинг фаол аъзосига айланти-риш энг долзарб вазифамиз.

Бу борада ҳам ютуқларимиз бор. Ма-салан, Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи аёл 2 фарзандидан воз кечиб арафасида турган эди. У билан ишлашимиз натижасида бола-лар оилада сақлаб қолинди. Бундай мисол-ларни яна кўп-кўп келтириш мумкин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги юрт-дошларимизга беопул психолог ёрдам бериб, оилаларни, жамиятимизни “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” де-ган гоя атрофида бирлаштириш йўлида хиз-мат қилишга бел боғлаган.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ суҳбатлашди.

“Ижтимоий хизматлар миллий агентлиги тизимидаги психолог ходимлар доим малака ошириш курсларида ўқиб, билим ва кўникмасини мустаҳкамлаб боради. Масалан, ўтган йил охирида халқро экспертларни чақириб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан қандай ишлаш, уларга қай йўсин консултация бериш, ижтимоий ходим, шу тизимдаги психолог қандай касбий ва шахсий компетенцияларга эга бўлиши кераклиги борасида тренинглар ўтиди.”

ва билимларини шакллантиришга эътибор қаратдик. Кучли жиҳатларини кўрсатиб беришга уриндик.

Яна бир жиҳат шуки, оилада низо бор экан. Масалан, она-бола муносабати мўъта-дил эмас. Бу бевосита психологик муаммо. Яъни мулоқот кўникмаси йўқлиги учун оила-да тарқоқлик вужудга келган. Ногирон-лиги бор она, турмушдан ажрашган қиз ва уйига эгаллик қиладиган ўғилнинг кичкина бошпананда жойлашини... ҳолатни тасаввур қилясизми?!

Хуллас, улар билан бир ой шуғулландик. Натижада фуқаро фарзанд тарбиясидаги хатоларини англади. Уларнинг барчаси ўза-ро мулоқотдаги камчиликларини тушунди. Бутун оила мақсадга эришишида уларнинг ҳар бири қандай вазифага эга экани, ким нима қилиши кераклигини англаб етди. На-тижада оила даромадини ошириб, субсидия



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.
Ҳажми — 3 табоқ. Ҳафтасида чоп этилади. Қўғос бичими А2.
Баҳоли келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
Ўза яқуни — 23:30 Тошхирлиди — 00:25